## МАМЛАКАТ бўйлаб

### «Келажак овози-2007»:

# ҒОЛИБЛАР ТЕСТ СИНОВЛАРИСИЗ ЎҚИШГА КИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларда марказимиз фаолиятини бундан-да жонлантиришга қаратилди.

Анжуманда “Келажак овози-2007” танлови ғолиблари ўз йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларидан бирига ижодий имтиҳон ва тест синовларисиз, давлат гранти асосида ўқишга киришлари ҳақида маълумот берилди.



Шу ўринда, “Келажак овози” танловига янги бир йўналиш киритилганини айтиб ўтиш жоиз. Эндиликда ёшлар “Бадиий ва амалий санъат”, “Ахборот ва коммуникация технологиялари”, “Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар”, “Бадиий ижод”, “Архитектура ва дизайн”, “Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режалар” каби номинациялардан ташқари «Спорт» йўналишида ҳам ўз маҳоратларини синаб кўришлари мумкин.

Айни пайтда “Келажак овози” танловининг янги Низоми ишлаб чиқилмоқда.

Йигит-қизларимизга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ёшларнинг баркамол шахс бўлиб етишишининг амалий ифодасидир.

## Битирувчиларга диплом топширилди

***Тошкент ислом университетида мазкур олий таълим даргоҳини тамомлаган бакалавр ҳамда магистрларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда талаба-ёшлар, ўқитувчилар, олимлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.***

■ Тадбирда ислом тарихи ва фалсафаси, фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультетларида диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологиялари мутахассисликларини эгаллаган 35 нафар магистр ҳамда 113 нафар бакалаврга дипломлар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов иштирок этди.

## Янги мактаблар кўпаймоқда

***Мамлакатимизда «2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида Сурхондарё вилоятида ҳам таълим муассасаларидаги ўқув шароитлари замон талаблари даражасида ташкил этилмоқда.***

■ Бу йил вилоятда дастурга асосан 4 та янги мактаб биносини қуриш, 47 та мактаб биносини мукаммал реконструкция, 73 та мактабни тубдан таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Айни кунларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Жумладан, Қизириқ туманида 490 ўринли мактаб биносини бунёд этишда сарф этилаётган маблағ 4 миллиард 210 миллион сўмни ташкил этади. Бу ишлар «Аму-Занг қурилиш» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан амалга оширилаётир. Иншоот янги ўқув йилига қадар фойдаланишга топширилади.

Шу туманнинг Яккатерак маҳалласида жойлашган 10-мактаб биносида эса «Жума бобо» хусусий фирмаси қурувчилари капитал таъмирлаш ишларини бажаришмоқда.

## Илмий анжуман

**Бухоро Давлат университетида “Дин ва ёшлар” мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

■ “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ташкил этган ушбу тадбирга Бухородаги барча олий ўқув юртлари талабалари таклиф этилди. Анжуман доирасида “Тошкент — Ислом маданияти пойтахти”, “Ёшлар — юрт келажаги”, “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” мавзуларидаги маърузалар тингланиб, баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

***«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.***

«Халқ сўзи» назоратида

## ПРОТЕСТ КЕЛТИРИЛДИ

***ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН ХАТДАН:***

***«2005 йил У.Дониёров номли ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжалиги ташкил этилди. Шундан сўнг ширкат хўжалигининг икки қаватли идораси ва маданият уйи биноси туман ҳокимининг қарори билан фойдаланиш учун туман халқ таълими бўлими, 33-мактаб балансига бепул ўтказилди. Бироқ кўп ўтмай, бу бинолар «Шўрчи-Агрофрут» агрофирмасига ўтказиб берилди. Хуллас, қувончимиз узоққа чўзилмади...***

**О.АҲМЕДОВ.**

**Сурхондарё вилояти».**

***ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН РАСМИЙ ЖАВОБДАН:***

«Аниқланишича, тумандаги У.Дониёров номли ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил февраль ойи қарори билан мазкур ширкат хўжалигининг идораси ва маданият уйи биноси ҳамда жиҳозлари туман халқ таълими бўлими балансига бепул ўтказилган. Лекин шу ҳудудда 210 ўринга мўлжалланган мактаб биносининг қурилиши бу йилги дастурга киритилганлиги сабабли ширкат хўжалигининг маъмурий биноси тумандаги «Агрофрут» агрофирмасига берилган. Ушбу маъмурий бино туман халқ таълими бўлими балансига кирим қилинган бўлса-да, халқ таълими бўлими маъмуриятининг розилиги олинмасдан туман ҳокимининг қарори билан «Шўрчи-Агрофрут» тасарруфига ўтказиб берилган.

Аризани текшириш натижаларига кўра, туман ҳокимининг қарори қонунга зид бўлганлиги сабабли уни бекор қилиш ҳақида туман прокурори томонидан шу йил июнь ойида протест келтирилди.

**Сурхондарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Б.ЭРГАШЕВ».**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ — УСТУВОР ҚАДРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатдики, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Россия, Беларусь, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Япония, Корея, КХР, Франция, Германия, Польша, Бельгия каби кўплаб давлатларнинг жиноят қонунчилигида ҳам мавжуд.

Қайд этиш лозимки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тайинланиши халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда инсоний қадриятлар ҳамда инсонпарварлик тамойиллари асосида амалга оширилади. Хусусан, бу жазо аёллар, 60 ёшга тўлган эркаклар ва жиноят содир этган вақтида 18 ёшга тўлмаганларга нисбатан тайинланмайди. Шу билан бирга, тамом бўлмаган жиноятлар учун бу турдаги жазонинг қўлланилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган. Жиноят Кодексида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш ва жазони ижро этиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал этилади.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан 1966 йилда қабул қилинган “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 6-моддаси 4-бандида, амнистия, афв этиш ёки ўлим ҳукмини алмаштириш ҳамма ҳолатларда тухфа этилиши мумкинлиги белгиланган. Қабул қилинган қонунда ушбу халқаро нормаларга мос равишда умрбод озодликдан маҳрум қилинган шахсларга нисбатан афв этиш тартиби қуйидагича белгиланган:

“Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва таълимга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин берилиши мумкин”.

Қонунчиликда бу ҳолатларнинг қатъий белгилаб қўйилиши, бир тарафдан, жазони ўтаётган шахс тузалиш йўлига ўтган тақдирда инсонпарварлик тамойили асосида унга нисбатан енгиллик берилишини намоён қилса, иккинчи тарафдан, ўта оғир жиноят содир этганлиги учун жазонинг камида йигирма йилини ўташи шартлигини жорий этди. Жиноий жазолар тизимига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосининг киритилиши жиноят ижроия қонунчилигида ҳам айрим ўзгаришларга олиб келди. Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган маҳкумлар жазони махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Президентимиз томонидан 2005 йил 8 августда қабул қилинган “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармон мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида яна бир муҳим босқич бўлди.

Қамоққа олиш санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш замирида, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш асносида уларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлаш ётади. Қабул қилинган қонунга мувофиқ, ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Суднинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ваколатлари кенгайтирилиб, дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестларни кўриб чиқиш ҳуқуқи жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар судлари ва уларга тенглаштирилган судларнинг судьяларига берилди.

Дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида айбланувчи ёки гумон қилинувчи шахсга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга етарли асослар мавжуд бўлганда прокурор ёки прокурорнинг розилиги билан терговчи бу ҳақда судга илтимоснома билан чиқиши тартиби қонунда белгилаб қўйилди. Унга кўра, жиноят содир этишда гумонланиб ушлаб турилган шахсни қамоққа олишга асос бўлувчи ҳужжатлар, тегишли илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарор билан биргаликда ушлаб туриш муддати тугашидан камида 12 соат олдин судга тақдим этилади. Суд эса ўз навбатида, ана шу 12 соат мобайнида ҳужжатларни якка тартибда ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқиши лозим. Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини судда кўришда прокурор, айбланувчи, ҳимоячи иштирок этади. Шунингдек, гумонланувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили ва терговчининг бу жараёнда иштирок этиш ҳуқуқи кўрсатилди.

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи судга тақдим этилган далилларни томонларнинг тортишув принципи асосида текширилиб, қонуний қарор қабул қилинишига замин яратди. Шу билан бирга, ушланган шахснинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 226-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унда терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда суд қарори билан ушлаб туриш муддати 48 соатгача узайтирилиши мумкинлиги белгиланди. Бундай меъёрнинг киритилиши қамоққа олишнинг асослилиги ёки асоссизлигига қўшимча далиллар тақдим этиш учун томонларга имконият яратади ва қонуний тўхтамга келишга кўмаклашади.

Қамоқда сақлаш муддатлари амалдаги қонунчиликдаги тарзда сақлаб қолиниб, бу муддатларни белгиланган тартибда узайтириш ваколати судларга ўтказилди. Эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олиш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш масалалари юзасидан суднинг ажрими устидан апелляция тартибида шикоят билдирилиши ёки протест келтирилиши тартиби ҳамда муддатлари белгиланди. Шикоят ёки протестларнинг апелляция инстанциясида 72 соат ичида кўриб чиқилишининг белгилаб қўйилиши, уларнинг қисқа муддатларда қонуний ҳал этилиши билан фуқароларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадини кўзлайди.

Алоҳида қайд этиш керакки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланишига жиддий ёндошилди. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича ишлар юзасидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси алоҳида ҳолларда қўлланилиши назарда тутилган бўлса-да, қонунда бу ҳолатлар аниқ кўрсатилмаган эди. Бу эса, ўз навбатида, “алоҳида ҳолларда” деган тушунчани ҳар хил талқин қилишга ва эҳтиёт чорасини танлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахснинг субъектив фикрига боғлиқликни келтириб чиқарарди.

Бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини фақат айбланувчи ёки гумонланувчига тергов ва суддан яширинишига шароит яратиб берувчи жиддий асослар мавжуд бўлган бешта ҳолатда қўлланилиши жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасида аниқ белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, ишни судга қадар юритиш босқичида қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар мавжуд бўлмаганда прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги белгиланди.

Эҳтиёт чорасини ўзгартириш ва бекор қилиш масаласини судларга қайта мурожаат қилмасдан, бу тарзда ҳал қилиниши дастлабки тергов жараёнида айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган процессуал ҳаракатларнинг тезликда қабул қилиниши ва бу билан боғлиқ сансоларликларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Таъкидлаш лозимки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг судлар ва прокуратура тўғрисидаги қонунларига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан жамиятимизда инсон манфаатлари устунлиги яна бир бор эътироф этилди. Чунки инсон ва унинг қадр-қиммати улуғланадиган юртимизда инсонпарварлик мезонларининг устуворлиги аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган қадрият ва анъаналаримизнинг ажралмас қисмидир.

Бундай инсонпарварлик ва адолат мезонлари билан уйғунлашган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари эса, албатта, юртимиз равнақи учун хизмат қилади.

**Юсуф ҒОИПОВ,**
**Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.**



**Кўҳна ва навқирон Марғилон кун сайин чирой очмоқда. Кутлуғ тўйига ҳозирлик кўраётган қадим шаҳарда кенг кўламли бунёдкорлик, ободончилик ишлари давом этаётир.**

## БУНЁДКОРЛАР ТУҲФАСИ

*Бу ишларда Олтиариқ туманидаги «1-кўчма механизациялашган карвон» масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг ҳам ҳиссаси катта.*

*Айни пайтда мазкур жамият бунёдкорлари томонидан Марғилон тиббиёт коллежи ўқувчилари учун 158 ўринли ётоқхона, шунингдек, маҳалла гузари ҳамда меҳмонхона қуриб битказилди.*



**СУРАТДА: янги меҳмонхона кўриниши.**

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

***Қизиқ, Қўшработда “Қўшоғоч”, “Қўштамғали”, “Қўшҳовуз”, “Қўштут”, “Қўшқудуқ”, “Қўшилиш”, “Қўшбулоқ”, “Қўштерак” дея номланган манзилгоҳлар-у Қўшбой, Қўшбоқ, Қўшар, Қўшарой, Қўшбек, Қўшаргул сингари исмлар жуда кўп. Шу боисми, давраларда баъзан “Қўшработга қўшиб бер”, “Қўшработга қўшанг қил” деган ҳазиломуз иборалар ҳам юради... Яқинда ана шу “қўш-қўш”лар ёнига “қўшқароғ” деган яна бир ижобий ибора ҳам қўшилибди...***

# ҚЎШРАБОТНИНГ ҚЎШ ҚАРОҒЛАРИ

— “Кўз қароғи”, “кўзимнинг қароғи”, “кўзинг қароғи” деган ибораларни биласиз, — дейди туманнинг “Урганжи” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бекмуҳаммад Мамарасулов. — Ҳаммаси рамзий маънода. Аммо, чиндан ҳам қароғсиз кўзда гавҳарнинг ҳоли не кечади? Шу жиҳатдан, билмадим, тўғрими-йўқми, тилшунос эмасман, мен доим аҳоли теғрасини «қуршаб», ҳимоялаб турган қишлоқ ва фуқаролар йиғинларини қароғларга, қароғ ичидаги гавҳарни у ерда яшаётган фуқароларга менгзайман.

— Чиройли ўхшатиш! — рағбат билдирдим.

— Тўғрисиям ўзи шу-да, — давом этди у. — Қароғ бўлмаса гавҳар муҳофазасиз қолганидек, йиғинлар, маҳаллалар бўлмаса фуқаролар ўз қувончу ранжини ким билан баҳамлашади.

Мана, бизнинг қишлоқ фуқаролар йиғинимиз таркибида ҳозир катта-кичик 38 та қишлоқ бор. Улар “Оҳчобсой”, “Янгиқишлоқ”, “Урганжи”, “Жомбулоқ” деган тўртта маҳалла фуқаролар йиғинлари атрофига бирлашган. Аҳоли сони 11 минг нафар. Қишлоқлар тарқоқ, кўпчилигини қишлоқ эмас, овул деса ҳам бўлади, баъзиларида нари борса 3-4 хўжалик яшайди. Боз устига, вилоятнинг энг чекка ҳудуди. Навоий вилоятининг Нурота туманига чегарадошмиз. Қишлоғу овулларимиз деярли тоғлар орасида. Баъзи манзилгоҳлар туман марказига — 80-85, йиғинимиз маркази — Урганжига 35-40 чақирим.

Ҳудудда 15 та мактаб, 2 та чакана савдо корхонаси, битта шифохона, 9 та фельдшерлик-доялик пункти, 2 та алоқа бўлими аҳолига хизмат кўрсатиб келаяпти.

— Бозор ҳам борми?

— Бор, Урганжида. Қолаверса, Жўш қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Жўш бозори ҳам бизга яқин.

— Мактабларда замонабоп ўзгаришлар бўлаяптими?

— Ўтган йили 28, 36-умумтаълим мактаблари грант асосида қайта қурилди. Янги жиҳозлар, ўқув қуроллари ва компьютерлар билан таъминланди. Ҳозир 51-, 80-умумтаълим мактабларининг бинолари янгидан қурилаяпти. Келаси йили фуқаролар йиғини марказида коллеж биноси қурилиши режага киритилган.

— Аҳоли турмуш тарзини яхшилаш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз?

— Давлатимиз раҳбари 2007 йилни “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилиши биланоқ ишни ҳудуддаги ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволини бирма-бир ўрганиб чиқишдан бошладик. Иш билан банд бўлмаган фуқароларни имкон қадар иш билан таъминлаш чоралари кўрилаяпти. Иқтисодий аҳволи ночорроқ оилалар фермерлар ҳомийлигида қорамол билан таъминланмоқда.

▼ **Маҳаллам — менинг уйим**

Яқинда Оҳчобсой, Жомбулоқ қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилган эди. Янги қишлоқ маҳалласидаги КВП жорий таъмирдан чиқарилди. 3 та маҳалла фуқаролар йиғини янги биноларга кўчиб ўтди. Тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар сони ошиши ҳисобига 32 нафар кам таъминланган ва 6 нафар яккаёлғиз фуқаро ҳолидан доимий хабар олиб турибмиз. 2-3 йилдирки, қишлоқларда якка тартибдаги касаначилик (тикувчилик, гиламдўзлик, пиллакорлик, каштачилик сингари меҳнат турлари)ни ривожлантириш саъй-ҳаракати изчил давом этаяпти. Пенсионерлар, ногиронлар, етим-есирлар ва бева-бечоралар — ҳаммасининг етишмовчиликлари, муаммолари фаолларимиз назоратида.

— Президентимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қишлоқ аҳли қувончига қувонч қўшгани ҳақида гапирдингиз.

— Тўғри-да, қишлоқ аҳли ёшлари учун айни муддао бўлди бу ҳужжат. Биласиз, ҳозир қишлоқларда янги турмуш қураётган ёшлар кўп. Фармон уларга жуда катта тиргак бўлди. Унда биз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланган. Жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, хусусан, уларнинг никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатишимиз лозимлиги алоҳида қайд этилган.

— Банклар томонидан имтиёзли шартлар асосида ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилиши белгилангани-чи? — сўзини бўламиз унинг.

— Зўр бўлди! Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, уй-жой қуриш, сотиб олиш, таъмирлаш, уй жиҳозлари харид қилиш учун эҳтиёжталаб ёш оилаларга кредитлар шаклида маблағ ажратилиши — бу ниҳоятда катта гап. Ва яна Фармонда қатор молиявий ташкилотлар олдига қўшимча кредит маблағлари излаб топиш вазифаси ҳам қўйилган, бу ҳам катта гап. Нафсиламбрини айтганда, ҳамма давлатларнинг ҳам қурби етмайди бунга.

Яна бир муҳим жойи — ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига кирмайдиган даромадлар, ёш оилалар тоифасидаги фуқароларнинг ипотека кредитларига бадаллари борасидаги имтиёзлар ҳам ёшларга мадад... Ўзингиз ўйланг: статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистонда йилига ўртача 175-180 мингдан ортиқ никоҳ қайд қилинар экан. Мамлакатимиздаги жами оилалар сонининг салкам 40 фоизини ёш оилалар ташкил этаркан. Ана энди шундан ўзингиз қиёсий таҳлил чиқариб олаверинг.

— Тўйлар, маъракалар, маросимларни қандай ўтказаяпсизлар?

— Ҳар бир маҳалла қошида сиз айтган бояги миллий қадриятларимиз ва шу каби бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича назорат гуруҳларимиз бор. Улар ҳатто байраму сайилларни ҳам ортиқча дабдабасиз, исрофгарчиликсиз, миллий урф-одатларимиз тамойиллари доирасида ўтишига масъул. Уларга А.Мардиев, А.Ўсаров, З.Юсупов, А.Эшқулов каби маҳаллалар йиғинлари раислари бош-қош бўлиб туришади.

*Ҳа, орамизда Бекмуҳаммад сингари одамлар кам эмас. Улар мамлакатимиз бўйлаб қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари — эл-юртнинг қўш қароғларига бош-қош бўлиб турибдилар. Энг муҳими, “қўш қароғлар” аҳоли турмуш тарзининг кун сайин яхшиланиб, қишлоқ инфратузилмаси ривож топиб, пировардида, фуқаролар ижтимоий ҳимояси муттасил кучайиб боришига хизмат қилмоқда.*

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

# БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикасининг “Фриеденздорф Интернейшнл” халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер бошчилигидаги делегация аъзолари 30 июнь куни пойтахтимиздаги “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси васийлик кенгаши раиси С. Иномова билан учрашди.***

Мулоқот чоғида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида юртимизда тиббий хизматни такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ночорларга ғамхўрлик кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори амалда ўз ифодасини топмоқда. Бу жараёнга нафақат давлатга қарашли ва нодавлат ташкилотлар, балки кўплаб халқаро хайрия муассасалари ҳам ўз улушини қўшмоқда. Германиянинг 1967 йилда ташкил этилган “Фриеденздорф Интернейшнл” халқаро хайрия ташкилоти улардан биридир. Мазкур ташкилот 2002 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни соғломлаштириш, тиббий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, хорижда даволанишга эҳтиёжи бор, айниқса, туғма нуқсонли ва куйиш асоратлари бўлган болаларни танлаб олади ва чет элдаги замонавий тиббиёт муассасаларига даволаниш учун юборади.

— Мамлакатингизда соғлом авлодни тарбиялаш, ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни оилага, меҳнат жамоасига ва жамиятга қайтариш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик, — деди Рональд Гегенфуртнер. — Юртингизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта эътибор қаратилаётгани бизни қувонтирди. Айни вақтда Ўзбекистондаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда юртингизда ортопедик касалликларга чалинган болаларни соғломлаштириш бўйича янги лойиҳа устида иш олиб боряпмиз. Ҳамкорликда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар ўз самарасини беришига ишонамиз.

“Фриеденздорф Интернейшнл” халқаро хайрия ташкилоти вакиллари бу гал Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги тўрт юздан зиёд ногирон ва бемор болани тиббий кўрикдан ўтказди. Элликдан ортиқ бола қайта текширувдан ўтказиш мақсадида танлаб олинди. Улар Германия клиникаларида даволанади.

Шу кунга қадар ушбу ташкилот билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистондан 87 нафар бола Европадаги нуфузли шифо масканларига даволаниш учун юборилган.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий марказида ўтган мулоқот чоғида “Фриеденздорф Интернейшнл” халқаро хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Яхши хабар

## ТАЛАБА — МАДАДКОР

Ҳар йили кўпгина фарғоналик талабалар ёзги таътилни уйларида ўтказишарди. Бироқ бу йил улар эл-юрт равнақи учун зарур иш билан шуғулланишга аҳд қилишди.

262 нафар талабадан иборат 11 та гуруҳ Фарғонадаги қурилиш иншоотлари, фермер хўжаликлари, оромгоҳларда ҳамда тиббиёт муассасаларида меҳнат қилишади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Ширинликни хушламайдиган инсон кам бўлса керак. Байрамона дастурхонни эса қанд-курссиз тасаввур қила олмаймиз. Тўйларимизни-ку асти қўяверинг.*

# Новвотли чой ичасизми?

Новвот, нишолда, ҳолва ва парварда каби ширинликларимизни тайёрлаш усули устоз-шогирд риштаси билан бизгача етиб келиши замирида бу неъматларга бўлган талаб-эҳтиёж мужассам. Ҳозирги кунда ҳам қандолат маҳсулотларига талаб ортса ортганки, асло камайгани йўқ. Хўш, ана шу талаб қай даражада қондириляпти?

Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда худди шу масалани ўрганиб чиқишди. Натижами? Аҳолининг эҳтиёжи тўлиқ қондирилмоқда. Қувонарлиси, маҳсулотларнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ширинликлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Дарҳақиқат, республикамизнинг қайси бир бозорида бўлманг, конфет, карамель дейсизми, вафли ёки печеньеми, хуллас, турли ширинликлар сероб. Сифати ҳам илгаригиларидан тубдан фарқ қилади. Буни харидорларнинг ўзлари эътироф этишаяпти. Бунга қандай қилиб эришилди?

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қандолатчилик корхоналари олдида четдан кириб келаётган маҳсулотлар ўрнини босувчи сифатли ширинликлар ишлаб чиқаришдек долзарб вазифа турарди. Бироқ мавжуд дастгоҳларнинг эскирганлиги бунга имкон бермасди. Шунда давлатимиз томонидан тадбиркорликка яратиб берилган имкониятлар ўз самарасини кўрсатди. Ўтган давр мобайнида ана шу корхоналар модернизация қилиниб, замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланди. "Уфқ", "Росси СА", "Зебунисо аъло", "Ренко" сингари ўндан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилди. Яна кўплаб хусусий корхоналар иш бошлади. Шуларнинг ҳисобига 2000-2006 йиллар ичида уюшма таркибидаги корхоналарнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 30 минг тоннадан ошиб кетди. Эндиликда уларда тайёрланаётган маҳсулотлар хорижникидан

**Жараён**

асло қолишмайди. Масалан, "Деза" хусусий корхонасини олиб кўрайлик. Бу ерда Италиянинг қиймати 1 миллион АҚШ долларилик замонавий ускуналари ўрнатилди. Сифатли маҳсулотлари мамлакатимиз хонадонларига аллақачон кириб борган "Зебинисо аъло" қўшма корхонаси дастгоҳлари эса Россиядан келтирилган. Мутахассисларнинг айтишича, бундай замонавий асбоб-ускуналарга эга корхоналар яқин орада янги жиҳозларга эҳтиёж сезмайди.

Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини қандолатчилар яна бир имтиёз сифатида қабул қилишди. Негаки, ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар 5 йил муддатга мулк солиғига тортилмайди. Бу ишга киришган корхоналарга божхона тўловларидан озод қилиш ва бошқа кўпгина солиқ имтиёзлари ҳам берилган.

Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2007-2011 йилларга мўлжалланган дастур доирасида 44 миллиард сўмлик модернизация ва қайта жиҳозлаш ишлари рўёбга чиқарилади. Демак, яқин йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, сифати ҳам янада яхшиланади.

Аслида мамлакатимизда соҳани ривожлантиришнинг имкониятлари ниҳоятда кенг. Ун, шакар, маргарин, қандолат ёғи, крахмал патокаси сингари қандолатчиликнинг асосий хомашёлари ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, маҳсулотлар қадоқланадиган бежирим қутичалару ўраладиган ёрлиқлар ҳам ўзимизда тайёрланаётгани шундан далолат беради. Аммо камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ҳалигача шоколадли қандолат маҳсулотлари импорт қилинаётганини айтиб ўтиш кифоя.

Мутахассислар буни шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг камлиги билан изоҳлашди. Шунингдек, Янгийўл шаҳридаги йирик қандолатчилик фабрикаси — "Лаззат"нинг ишламаётганлиги ҳам қайсидир маънода четдан маҳсулот киришига "йўл очиб" бераётир.

Маълумотларга қараганда, ҳадемай, республикамизда шоколад ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Чунки жорий йилнинг иккинчи ярмидан "Лаззат" қайта ишга туширилади. Айни пайтда шу мақсадда сармоялар жалб этилаяпти. Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Жанубий Кореяга сафари чоғида ўзаро ҳамкорлик ҳақида имзоланган Меморандумга кўра, мазкур мамлакат ишбилармонлари билан ҳамкорликда қурилиши мўлжалланган янги корхона ҳам шоколадли қандолат маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Маҳаллий маҳсулотнинг нархи арзон бўлишини инобатга олсак, тез орада дастурхонимиз қанд-курс билан янада тўкин бўлади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КИТОБ — ОФТОБ

***Гулистонлик китобсеварлар ажойиб туҳфага эга бўлдилар. Тошкентдаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига қарашли «Шарқ зиёкори» китоблар маркази ташаббуси билан Сирдарё вилоят марказида янги китоб дўкони ишга туширилди.***



Қиймати 50 миллион сўмни ташкил этувчи бадиий, ҳуқуқий, сиёсий, шунингдек, умумтаълим ва коллежлар учун дарсликлардан иборат 3 минг турдаги нашрлар эндиликда чанқоқ китобхонларнинг маънавий мулкига айланади.

**Туҳфа**

— Гулистондаги китоб дўкони Тошкентдан узоқдаги бешинчи дўконимиз бўлди, — дейди китоб маркази директори Равшан Ҳамзаев. — Бу ташаббус ва янгиликнинг аҳамиятли томони шундаки, эндиликда гулистонликлар янги нашрларни биринчи қўлдан ва арзон нархларда харид қиладиган бўлишди.

Тадбирда пойтахтдан келган ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар иштирок этди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**I. Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) Хоразм вилояти филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:**

1. Хоразм вилояти Хива тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2006 йил 8 августдаги 22.06.04-2974-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хива Хайитмат» фирмасига қарашли, Хива шаҳри, Наврўз кўчасида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 316,22 кв.м. бўлган офис, омборхона ва дўкон биноси.
*Бошланғич баҳоси — 33 132 631 сўм.*
2. Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2006 йил 15 сентябрдаги 2/132-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хадра тегирмон сервис» хусусий фирмасига қарашли, Қўшкўпир тумани, «Незахос» маҳалласида жойлашган, 12 номдаги асосий воситадан иборат, соз ҳолатда бўлган ғишт заводи.
*Бошланғич баҳоси — 43 893 160 сўм.*

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 31 июль ва 2, 7, 9, 14, 16, 21, 23, 28, 30 август кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объектлари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Ушбу кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари бўйича «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 2007 йил 27 июндаги 51-сонида хабарнома чоп этилган.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Аукцион савдолари Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уйда жойлашган савдолар залида ўтказилади.**

**Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк» Тинчлик филиалидаги МФО 00580, ИНН 200933850, 20210000700571452056 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.**

**Мурожаат учун манзил: Хоразм вилояти, Урганч ш., Й.Бобожонов к., 23-уй, РКМБ Хоразм вилояти филиали (Мўлжал — Урганч шаҳар халқ таълими бўлими). Телефон: 226-32-63. Факс: 226-43-64.**

**II. Шунингдек, қуйидаги кўчмас мулк объектининг аукцион савдоси тўхтатилиб турилганлигини маълум қилади:**

Тошкент вилояти Паркент тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган ва «Ташкентская правда» ва «Тошкент ҳақиқати» газеталарининг 2007 йил 20 июндаги 50-сони ва «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 21 июндаги 120-сонида чоп этилган хабарномалар билан аукцион савдоларига чиқарилган, Паркент тумани, Ёшлик қўрғонида жойлашган бино ва иншоотлар савдоси тўхтатиб турилади.

**Савдони тўхтатишга асос:**
*Паркент тумани суд ижрочилари бўлимининг 2007 йил 26 июндаги 261-сонли хати.*

**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.**

940Н/


# «КУЁВНИ АРЗОНГА СОТМАЙМИЗ»

***Тўй инсон умрининг энг катта шодиёнаси, бахтли ва қувончли дамларидир. Тўйда халқимизнинг ҳамжиҳатлик, иззат-икром, меҳр-оқибат, меҳмоннавозлик каби азалий фазилатлари тўла намоён бўлади. Зотан, тўй кўпчилик билан ўтади. Тўй маросимларида барча яхши либослар кияди, ўзаро одобу тавозе билан муомала қилади. Ёшлар катталардан ибрат олиб, аждодларимиздан қолган энг яхши анъаналарни ўрганишади. Чунончи, никоҳ тўйида авлоддан-авлодга ўтиб, намуна бўлиб келаётган урф-одатларимиздан гул базми, лапар, ўлан, ёр-ёр айтишувлари-ю, келин салом катта тарбиявий аҳамиятга эга.***

Лекин айрим жойларда энг яхши анъаналаримизга беписандлик билан қараш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Яқинда Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳудудида бўлиб ўтган никоҳ тўйида қатнашдик. Можаро куёв ва куёвжўраларнинг келинникига келишидан бошланди. Келин томон куёвжўралар зиёфатига пиширилган тўш (қўйнинг битта оёғини) қўяр, улар эса пул тўлар экан. Келиннинг янгаси эшик олдига туриб олиб, куёвжўра берган пулни кам дейишдан чарчамайди. Никоҳ ўқиш жараёнида ҳам шу аҳвол давом этди. Бу орада куёвлардан «исириқ ҳақи» талаб қилинди. Берилганини кам дейишди. Катта ёшдаги эркак ва аёллар ҳам буни кўриб туришибди. Бирортаси «Бўлди, энди» демайди. Энсаси қотган куёв келин ҳам керакмас, кетдик деб келиннинг янгасини туртиб, ўзига йўл очганича, ташқарига чиқиб кетди. Шундан кейингина катталар безовталаниб, унинг ортидан югуришди.

Куёв томоннинг ҳам антиқа қилиқлари бор экан. Базм тугаб, келин уйга киргандан сўнг, келин

**Сиз бунга нима дейсиз?**

томон куёвни жўраларидан «сотиб олиши» керак бўларкан. Аввалига беш минг сўм пул билан икки шиша арoқ берилди. Бу кам, дейилди. Беш мингга яна беш минг қўшилди. Шундоқ келишган куёвимизнинг баҳоси ўн минг сўмгинами, дея пул оёқ остига сочиб юборилади.

— Шунча орзу-ҳавасларим бўла туриб, бунақа қудаларга учраб қолдимми, — дея орага қўшилди куёвнинг онаси. Биз эса уларга қараб туриб, икки ёшнинг тақдири ҳақида ўйлардик. Номақбул одатлар уларнинг ўртасини совутиб қўймасмикан? Илгари куёв ва унинг жўраларига тўқилган, кашта тикилган рўмолча берилларди. Бугунга келиб уларнинг ўрнини ароқ эгаллаб олганига ақлингиз бовар қилмайди.

Андижон вилояти Избоскан туманидаги никоҳ тўйларида эса куёвжўраларга биттадан дастрўмол ва бир пачкадан сигарет бериларкан. Бундай номаъқулчиликлар миллий расм-русумларимизга путур етказиб, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмайдими? Қашқадарё вилоятида куёв томондан бериладиган қалин, сут пули ичида келин бўлмишнинг вояга етгунча чаққан писта пули ҳам бўлиши шарт экан. Аслида шу нарсалар керакми? Ароқ, сигарет ва писта пули ўрнига миллат шаънини улуғловчи тарихий романлар совға қилинса бўлмасмиди?

Шу ўринда «Қишлоқнинг кўпни кўрган кайвонилари, маҳалла оқсоқоли ва маслаҳатчилар қаёққа қараяпти?» — деган ҳақли савол туғилади. Улар биз қаламга олган тўйларда иштирок этишмоқда. Тўйларда халқимиз табиатига ёт ҳолатларнинг олдини олиш, анъанавий удумларимизнинг энг яхши жиҳатларини кенг тарғиб қилиш маънавиятимизнинг бир кўриниши эканлигини унутмайлик. Шундай эмасми? Сиз бунга нима дейсиз?

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.**

**Спорт ● Sport**

Тошкентда шахмат бўйича 16-18 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Осиё чемпионати беллашувлари қизғин паллага кирди. Унда юздан зиёд спортчи совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

## БЕЛЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Чемпионатнинг тўртинчи тур беллашувлари якунига кўра, 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган А.Квон 3,5 очко билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаб турибди.

Қизлар ўртасида ўзбекистонлик Н.Мўминова, Ю.Ҳамроқулова ва қозоғистонлик А.Русбоева 3 очко билан мусобақа жадвалида етакчилик қилмоқда.

16 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда ҳиндистонлик С.Сетхураман тўрт имкониятдан 4 очко жамғарган бўлса, ўзбекистонлик Х.Мустафоев ва ҳиндистонлик Б.Абхибан 3,5 очко билан кейинги ўринларни банд қилган.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда Ҳиндистон вакилалари Р.Падмини ва К.Пон 3,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистонлик С.Қурбонбоева, Г.Эсонбоева ва қозоғистонлик Г.Накхбоева эса уч очко тўплашга эришди.

**Қ. ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**





Setco Telecommunication System **НАМ 10 ЛЕТ!**
В САЛОНЕ "УМНЫЙ ДОМ" **СКИДКА 10% АКЦИЯ ДО 07.07.07**
Товар сертифицирован
**Мини-АТС**
**Panasonic & SIEMENS**
**Тел.: 138-9999, 137-2988.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси етакчи илмий ходим, физика-математика фанлари номзоди Н. Турсуновга акаси

**Ҳикматилла АЛИАКБАРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси илмий ишлар бўйича проректор, профессор Носир Маҳмудовга онаси

**ХАНИФА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5